

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

УСМАНОВ САНЖАРБЕК ПАХЛАВОНОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРИНИНГ
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Усманов Санжарбек Пахлавонович

Фарғона водийси зарарли чигирткаларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш.....5

Усманов Санжарбек Пахлавонович

Биоэкологические особенности вредных саранчовых Ферганской долины и совершенствование мер борьбы с ними.....21

Usmanov Sanjarbek Pahlavonovich

Bioecological features of harmful locusts of the Ferhgana valley and improvement of control measures against them.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

УСМАНОВ САНЖАРБЕК ПАХЛАВОНОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРИНИНГ
БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx721 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.andqxa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyo.net) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Нуржанов Аллаберген Абдалязович
биология фанлар номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Юсупова Махпуза Нумановна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Юлдашев Фаррухбек Эргашбоевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____, соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: agai_info@edu.uz; Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99874) 373-10-54).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

А.Исашов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д, профессор

С.О.Абдурахмонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.д., к.и.х

К.С.Комилов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
қ.х.ф.н.доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Дунёда чигирткаларнинг ўнлаб турлари озиқ-овқат хавфсизлиги учун жуда катта муаммолар келтириб чиқармоқда. Уларнинг авж олиб ривожланиши Антарктидадан ташқари ҳар бир қитъада содир бўлиб, дунё аҳолисини 10 фоизини ҳаётига хавф солмоқда. Жумладан, саҳро чигирткаси шубҳасиз энг кўп ва глобал миқёсда зарар келтирувчи қишлоқ хўжалиги зараркунандаси бўлиб, 2019 - 2020 йиллар давомида об-ҳавонинг қулай шароити таъсири унинг кенг тарқалишига олиб келди. Шарқий Африка, Арабистон ярим ороли, Жанубий Ғарбий Осиё ва Ғарбий Африка бўйлаб, Эфиопия, Кения, Сомали, Жанубий Суданда 25 миллиондан ортиқ одам чигирткалар зарари сабабли 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг кескин инқирозига дуч келди”¹. Жаҳонда чигирткаларнинг зарар келтириши айниқса, Африка ва Осиё давлатларида иқтисодий инқирозларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Уларнинг ялпи кўпайиши оқибатида қишлоқ хўжалигида мисли кўрилмаган даражада экологик муаммоларни ҳал этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда зарарли чигирткаларга қарши кураш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилган. Бу ҳолат уларни ўрганиш бўйича эришилган ютуқларга қарамадан, бу борада анча муаммолар мавжудлиги, чигирткаларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйловларга зарари кўзга ташланмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда чигирткаларнинг популяцияси, миграцияси ва уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ҳамда қарши кураш чораларини такомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда чигирткаларга қарши кураш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, булардан Республиканинг ҳар бир вилоятида “Тут парвонаси ва зарарли чигирткаларга қарши кураш хизматлари” ташкил қилинган бўлиб, ушбу ташкилот чигирткалар сони кескин ортиб кетишининг олдини олишга хизмат қилиб келмоқда. Ушбу тадбирлар йўлга қўйилган бўлсада, Фарғона водийсида зарарли чигирткалар маҳаллий турлари популяция миқдорининг ортиши ва айрим турларнинг кўшни давлатлар ҳудудидан кириб келиши натижасида, уларнинг зарар келтириш миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Фарғона водийси шароитида зарарли чигирткаларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш асосида такомиллашган кураш тизимини ишлаб чиқиш назарий ва амалий жихатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон қонуни, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги”², “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-

¹ <https://www.fao.org/food-chain-crisis/how-we-work/plant-protection/locusts/en/>

² <https://lex.uz/docs/3030362>

484-сон қонуни «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонуни”³, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори”⁴да ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ўтказилган илмий тадқиқотлар республика фан ва технологиялар тараққиёти ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар, А.В.Лачининский томонидан чигирткаларнинг тарқалиши, экологияси, ГАТ усулларидан фойдаланиш, Т.Б.Токгаев, М.Г.Сергеев тур таркиби, систематикаси, В.С.Камбулин экологияси, ҳашаротларга қарши кураш чораларини В.В.Курдюков, D.M.Hunter, Г.Р.Леднёвлар, Ўзбекистонда чигирткаларнинг фаунаси М.Ж.Медетов, биоэкологияси ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров, Ш.К.Худанов, А.Ф.Хайтмуратов, Н.Х.Туфлиевлар томонидан ўрганилган.

Лекин, Фарғона водийси шароитида зарарли чигирткаларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш асосида такомиллашган кураш тизимини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши БВ-А-КХ-2018-322 “Яйлов ўсимликлари зарарли энтомофаунаси ва уларга қарши замонавий кураш усулларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона водийси шароитида зарарли чигирткаларнинг тур таркиби, тарқалиши, биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга такомиллаштирилган қарши кураш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси агроценозлари чигирткаларнинг тур таркибини ўрганиш ва зарарли турларнинг биоэкологик хусусиятлари ҳамда популяция ҳолатини илмий асослаш;

Фарғона водийсида зарарли чигирткаларнинг агроценозларда кенг тарқалган турлар ва улардан доминант турларини аниқлаш;

Фарғона водийсида зарарли чигирткаларнинг доминант турларининг биологик ва экологик хусусиятларини илмий асослаш;

³ <https://lex.uz/docs/3815502>

⁴ <https://lex.uz/docs/5514212>

Фарғона водийсида зарарли чигирткаларга қарши кимёвий препаратларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Фарғона водийсида зарарли чигирткалар маълумотлар базасини яратиш ва Quantum GIS (QGIS) дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси зарарли чигирткалари - марокаш чигирткаси (*Dociostaurus maroccanus* Thunb.), воҳа чигирткаси (*Calliptamus italicus italicus* L.), осие чигирткаси (*Locusta migratoria* L.), чўл чигирткаси (*Calliptamus barbarus cephalotes* Fisch.), турон чигирткаси (*Calliptamus turanicus* Serg.Tarb.), аилопус чигирткаси (*Aiolopus thalassinus thalassinus* Fabr.), чўл пиргоморфаси (*Pyrgomorpha bispinosa deserti* Mistsh.), қиш чигиртка (*Acrotylus insibiricus* Scop.), қора ҳошияли чигиртка (*Oedaleus decorus* Germ.), чипор чигиртка (*Heteracris adspersa* Redt.) турлари ва уларга қарши курашда фойдаланиладиган воситалар қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Фарғона водийси зарарли чигирткалар турлари таркибини ўрганиш, кураш воситаларининг биологик ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда барча кузатувлар чигирткалар сонини, зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш Ф.Н. Правдин, улар кўп тарқалган майдонларда Е.П.Цыпленков, Ф.А.Гаппаров, чигирткалар турларини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко, А.В.Лачининский аниқлагичларидан, препаратларнинг биологик самарадорлигини ҳисоблаш В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров услубидан, иқтисодий самарадорлиги Н.Р.Гончаров усулидан, тадқиқот натижалари К.А.Гар, Б.А.Доспехов усулларига асосан дисперсион таҳлил қилинган. ГАТ, маълумотларни статистик таҳлил қилиш усуллари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийси агроценозларида чигирткаларнинг тур таркиби ўрганилган ва зарарли турларнинг биоэкологик хусусиятлари ҳамда популяция ҳолати илмий асосланган;

Фарғона водийси агроценозларида чигирткаларнинг 36 та тури кенг тарқалганлиги аниқланиб, уларнинг 14 та тури доминант бўлиб, 3 та тур тўда ҳосил қилувчи, 11 та тур якка ҳолда ривожланувчи, шундан 7 та турнинг кенг тарқалганлиги аниқланган.

Фарғона водийси шароитида зарарли чигирткалар 6 та турининг биологик ва экологик хусусиятлари ўрганилиб, ривожланиш фенологияси ишлаб чиқилган.

Фарғона водийсида чигиртка турларининг тарқалаган майдонлари электрон хариталари Google Eart Pro ва Quantum GIS (QGIS) дастурлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат. Фарғона водийси агроценозларида 26 та чигиртка тури кенг тарқалганлиги, улардан 14 тури доминант бўлиб, 11 тури тўда ҳосил қилмайдиган ва 3 тури тўда ҳосил қилувчи турлар эканлиги, зичлиги эса мос равишда 8-32 дона/соат ва 35-90 дона/соат микдорда бўлиши аниқланган. Марокаш чигирткаси личинкаларига

қарши кураш учун Айкидо супер, 10% эм.к. препаратини 0,1 л/га ва 0,12 л/га микдорда, ALPAC 100 ЕС препаратини 0,1 л/га микдорда, воҳа чигирткаси личинкаларига қарши Карат икс 20% сус.к., препаратини 0,075л/га - 0,125л/га, ва Альфа 10% сус.к. препаратини 0,1л/га - 0,15л/га микдорда қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижалар Республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотлар ишончилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий, инновация лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг нуфузли хорижий илмий журналларда илмий мақолалар сифатида чоп этилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар тайёрланиб, кенг жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийсида кенг тарқалган чигирткаларнинг доминант турлари сифатида аниқланган 3 та тўда ҳосил қилувчи ва 7 та тўда ҳосил қилмайдиган турларнинг тарқалиш қонуниятлари ва энг муҳим биологик ва экологик хусусиятлари ўрганилганлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зарарли чигирткаларга қарши кимёвий курашда Карат икс 20% сус.к., Lambda-Plus, 20% ЕС, Альфа 10% сус.к., Айкидо супер, 10% эм.к. ALPAC 100 ЕС инсектицидлардан фойдаланиш, уларга қарши курашда юқори самара бериши исботланган. Фарғона водийси чигирткалар маълумотлар базаси яратилиб, амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси зарарли чигирткаларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Фарғона водийси вилоятлари агробиоценозларида чигирткаларнинг 36 тури тарқалганлиги ва уларнинг 14 тури доминант эканлиги аниқланиб, қишлоқ хўжалиги экинлари атрофи агробиоценозларида учрайдиган чигирткалар тур таркиби, уларнинг доминант ва зарар келтирувчи турлари тўғрисидаги Excel 2016 дастури негизида таёрланган бирламчи маълумотлар базаси ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги № 02/025-2575-сон маълумотномаси). Натижада тўда ҳосил қилувчи 3 та, якка ҳолда ривожланувчи 3 турнинг зарар келтириши асослаб берилган.

Зарарли чигирткалар доминант турларининг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилиб, Водий

вилоятлари ҳудудларида инвазив турлар кириб келиши мумкин бўлган ҳудудлар, тўда ҳосил қилувчи чигирткалар тарқалган табиий ўчоқлар, якка ҳолда ривожланувчи чигиртка турларининг тарқалаган майдонлари электрон хариталари Google Eart Pro ва Quantum GIS (QGIS) дастурлари асосида ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги № 02/025-2575-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона водийси, жумладан Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари “Тут парвонаси ва зарарли чигирткаларга қарши кураш хизмати” ташкилотларида жорий этилиб, зарарли чигирткалар турлари ривожланишини қисқа ва узоқ муддатли башорат қилиш, чигирткаларга қарши илмий асосланган кураш тадбирларини ўз вақтида самарали олиб бориш учун имконият яратилган.

Фарғона водийси вилоятларининг тоғ олди ҳамда қир-адирларида тарқалган зарарли чигирткаларга қарши Карат икс 20% сус.к. препаратининг 0,0375 - 0,0625 л/га сарф-меъёрларида қўлланилиб, 1800 гектардан кўпроқ майдонларда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 июндаги № 02/025-2575-сон маълумотномаси). Натижада андоза сифатида қўлланилган Атилла супер 10 % эм.к. препаратига нисбатан ўртача 97,0% дан юқори биологик самарадорликка эришилган. Ушбу препарат билан ишлов берилганда гектаридан назоратга нисбатан 350 кг гача кўшимча пичан - ҳашак олишга ва 455500 сўм соф фойда олишга, сарфланган 1 сўмнинг 13,2 мартагача қопланиши ва кураш усулининг рентабеллиги 132% ни ташкил этиши қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтининг махсус комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Илмий ҳисоботлар хар йили Институтнинг илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 1 та илмий-услубий қўлланма ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда зарарли чигирткаларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини олиб бориш**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган ва уларнинг таҳлил натижалари берилган. Чигирткалар турлари, уларнинг тарқалиши, зарари ва уларга қарши кураш усуллари ва уларнинг самарадорликлари бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, чигирткаларга қарши курашнинг замонавий усуллари, микроорганизмлар асосида тайёрланган препаратлар ва ГАТ технологиялардан фойдаланиш бўйича олиб борилган ишлар ва бу усулларнинг имкониятлари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳи қисмида Фарғона водийси шароитида чигирткалар биоэкологиясини ўрганиш ва шу асосида уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири эканлиги очиб берилган.

Диссертациянинг «**Тажриба олиб борилган ҳудуд тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Фарғона водийсининг географик ўрни ва иқлим шароити тўғрисида, иккинчи қисмида эса тажрибалар ўтказиш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Чигирткалар сонини, зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш Ф.Н. Правдин (1980), улар кўп тарқалган майдонларда Е.П.Цыпленков (1974), Ф.А.Гаппаров ва б. (2011) бўйича, чигирткалар турларини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко, Л.Л.Мищенко (1951), А.В.Лачининский ва б. (2001) аниқлагичларидан фойдаланилган. Препаратларнинг биологик самарадорлигини ҳисоблашда В.В.Курдюков, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Гаппаров (1994) услубларидан фойдаланилган. Препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва б. (1981) усулидан, тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар (1983), Б.А.Доспехов (1985) усулларига асосан дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси зарарли чигирткалари тур таркиби ва уларнинг тарқалиши**» деб номланган учинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, унинг «Фарғона водийси чигирткалари тур таркиби ва ландшафтлараро тарқалиши» бўлимида 2017-2021 йиллар давомида турли ландшафтлардан йиғилган чигиртка турлари таҳлили натижалари келтирилган, унга асосан бу ҳудудда 76 та чигиртка турлари тарқалган. Жумладан, агроценозларда 36 та, тоғ ва тоғ олди ҳудудларда 42 та, чўл типигаги ландшафтларда 22 та ва адирларда 10 та чигирткаларнинг турлари учраган. Ўрганилган чигиртка турларининг ландшафтлараро ўхшашлини аниқлаш учун ўтказилган таҳлил натижаларига кўра Жаккар бўйича агроценоз ва чўлда тарқалган турлар ўхшашлиги 23,0 %, агроценозларнинг тоғ ва тоғ-олди ҳудудлар ва адирларда тарқалган чигирткалар турлари билан яқинлиги 18,0 % ни ташкил қилиши аниқланди. Фарғона водийси чигирткалари турлари ландшафтлараро ўхшашлиги жуда кам бўлиб, ўрганилаётган ҳудуд чигирткалар фаунаси турли туман эканлигини англатади ва ҳар қайси ландшафтнинг ўзига

хос бўлган чигиртка турлари популяциялари шаклланган. Чўл худуди учун *Sphingonotus* авлоди (7 тур), адир учун *Dociostaurus* авлоди (4 тур), тоғли худудлар учун *Chorthippus* авлоди (3 тур), агроценозлар учун эса *Heteracris* (3 тур) авлоди турлари специфик эканлиги кузатилди. *Pyrgomorpha bispinosa deserti* Mistsh., *Calliptamus italicus italicus* L. *Calliptamus turanicus* Serg.Tarb., *Calliptamus barbarus cephalotes* Fisch., *Heteracris adspersa* (Redt.) ва *A. thalassinus thalassinus* (Fabr.) турлари барча ландшафтларда учрайди. Зарарли чигирткалар популяцияси шаклланишининг 3 та манбаси борлиги аниқланди. Улар инвазив турларнинг кириб келиши, тўда ҳосил қилувчи турларнинг тарихий табиий ўчоқлари ва якка турларнинг партов ерларда ривожланиш майдонларидир.

Учинчи бобнинг “Агроценозлар чигирткалари тур таркиби ва шаклланиши” бўлимида Фарғона водийси агроценозларида учрайдиган чигирткалар, уларнинг доминант ва зарар келтирувчи турларининг ҳудуд бўйича тарқалишини ўрганиш асосида олинган натижалар келтирилган. Ўрганилган агроценозларда 26 та чигиртка турлари бошқа турларга нисбатан кенг тарқалганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси агроценозларида тарқалган зарарли чигирткаларнинг тур таркиби

№	Турлар номи	Агроценозлар							
		1	2	3	4	5	6	7	8
1.	<i>P. bispinosa deserti</i> Bien.	++	++	+++	++	+++	+++	++	+++
2.	<i>An.aegyptium</i> (L.)	-	-	-	-	-	-	-	++
3.	<i>Tr. turanica turanica</i> Uv.	-	-	-	-	++	-	-	-
4.	<i>Cal.italicus italicus</i> (L.)	+++	+++	-	-	-	+++	+++	+++
5.	<i>Cal. turanicus</i> Serg.Tarb.	-	+	-	+++	-	+++	+++	-
6.	<i>Cal.barbarus cephalotes</i>	+++	++	+++	++	+++	++	+++	+++
7.	<i>Heteracris littoralis</i> Ramb.	++	-	++	-	-	-	-	+
8.	<i>Heteracris adspersa</i> Redt.	++	-	+++	-	-	-	++	-
9.	<i>Het. pterosticha</i> (F.d.W.)	-	+	-	++	-	-	-	++
10.	<i>Eypr. unicolor</i> Serg. Tarb.	++	-		--	-	-	-	-
11.	<i>Acrida oxycephala</i> (Pall.)	+	-	++	++	+++	++	+	+++
12.	<i>Truxalis eximia</i> Eichw	++	-	-	++	-	++	-	-
13.	<i>Duroniella gracilis</i> Uv.	++	++	++	+	+	-	+	+++
14.	<i>Duroniella kalmyka</i> (Ad.)	++	++	-	++	-	-	-	-
15.	<i>A. thalassinus thalassinus</i>	+++	++	++	++	++	++	++	++
16.	<i>Aiolopus oxianus</i> Uv.	++	-	-	++	++	-	++	++
17.	<i>Locusta migratoria</i> L.	+++	-	-	+++	-	+++	+++	-
18.	<i>Oedaleus decorus</i> (Germ.)	-	-	-	-	-	-	-	++
19.	<i>Acrotylus insubricus</i> Scop.	+	-	++	++	++	-	++	++
20.	<i>Sphin-s carinatus</i> Sauss.)	++	-	-	++	-	-	-	++
21.	<i>Ramburiella foveolata</i> Tar.	+	-	-	+	-	-	-	+
22.	<i>Dociostaurus tartarus</i> Uv .	-	+	-	+	-	-	-	-
23.	<i>Doc. maroccanus</i> (Thnd)	-	+++	-	+++	-	+++	-	-
24.	<i>Chort. (s. str.) karelini</i>	-	-	+	+	-	-	-	++
25.	<i>Ch. (s. str.) dichrous</i> Evers	-	-	-	-	-	-	-	++
26.	<i>Oxya fuscovittata</i> Marsch.	-	-	++	-	-	-	+	++
Жами:		16	10	10	17	8	9	12	17

Изоҳ* 1 - Ғўза; 2 - Бугдой; 3 - Шолипоя; 4 - Беда; 5 - Маккажўхори; 6 - Дуккакли ўсимликлар; 7 - Полиз; 8 - Боғ. - - чигиртка учрамаган; +-кам тарқалган; ++- доимий тур; +++- кенг тарқалган турлар

Аниқлаган чигиртка турлари орасида энг кўп тарқалган, яъни зичлиги жихатдан доминант бўлган 14 тур чигиртка ўрганилди. Доминант сифатида аниқланган турларнинг асосий қисми тўда ҳосил қилмайдиган (11 та) турлар ҳисобланади. Улар *Pyrgomorpha bispinosa deserti* Mistsh., *Acrotylus insibiricus* Scop., *Calliptamus turanicus* Serg.Tarb., *Calliptamus barbarus cephalotes* Fisch., *Duroniella kalmyka* (Ad.), *Aiolopus oxianus* Uv., *Aiolopus thalassinus* (F.), *Oedaleus decorus* (Germ.), *Heteracris adspersa* (Redt.), *Dociostaurus tartarus* Uv., *Sphingoderus carinatus* (Sauss.) турлари бўлиб, уларнинг тажриба олиб борилган майдонларда зичлиги 10-45 дона/соат эканлиги маълум бўлди. Ўзбекистонда тарқалган тўда ҳосил қилувчи осие (*Locusta migratoria* L.), марокаш (*Dociostaurus maroccanus* Thunb.) ва воҳа (*Calliptamus italicus italicus* L.) чигирткаларининг Фарғона водийси ҳудудларида тарқалганлиги маълум. Уларнинг экинзорлардаги зичлиги анча баланд бўлиб, ўртача 35-90 дона/соат миқдорда бўлди. Йиғилган намуналар таҳлилига кўра, ғўза далаларида 16 тур (61,54 %), буғдойда 10 тур (38,46 %), шолিপояда 10 тур (38,46 %), бедапояда 17 тур (65,38 %), маккажўхори даласида 8 тур (30,76%), дон-дуккакли экинларда 9 тур (34,62%), сабзавот ва полиз экинларида 12 тур (46,13%), мевали боғларда 17 тур (65,38 %) чигирткалар тарқалганлиги аниқланди.

Фарғона водийси агроценозларида тарқалган чигирткалар тур таркибини ўхшашлигини Жаккар усули бўйича таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра, тур таркиби турли туманлиги бўйича дуккакли ўсимликлар далаларида ва полиз экинларида учрайдиган турлар ўхшашлиги энг кўп, яъни 62,0 % ташкил қилган бўлса, буғдой ва ғўза далаларида тарқалган чигирткалар тур таркиби ўхшашлиги энг кам, яъни 24 % ни ташкил этди.

Фарғона водийси ҳудудининг табиий ва агроценозларида чигирткаларнинг доминант турларининг тарқалиши ва уларнинг зичлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра, ўрганилган жами 25 та тажриба майдонидан 13 таси (52 %) ғўза, 9 таси (36 %) ғалла, 13 таси (52 %) боғ, 23 таси (92 %) бошқа экин турларига тўғри келади. Шунингдек, адир ва тоғ майдонларидан 9 (36 %), чўл ҳудудидан 10 (40 %) таси тадқиқот қилинган. Уларда тарқалган ўнта тур чигирткаларнинг тадқиқот олиб борилган тажриба майдонларида зичлиги, ғўза далаларида 20,3 дона/соат, ғаллазорларда 33,7 дона/соат, боғларда 28,1 дона/соат, адирда 18,3 дона/соат, чўлда 6,6 дона/соат ва тоғ ландшафтида эса 24,0 дона/соат бўлиб, уларнинг ўртача зичлиги 22,7 дона/соат миқдорда эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Олинган маълумотларни турлар кесимида таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, тарқалиш координатлари бўйича *P. bispinosa deserti* тури энг кўп, яъни 19 майдонда аниқланган, *C.italicus* тури 13, *C.barbarus cephalotes* тури 11, *A.insibiricus* тури 9, *C. turanicus* 8, *L. migratoria*, *A.thalassinus thalassinus*, *H.adspersa* турлари 7, *D. maroccanus* 4 ва *Oedaleus decorus* турлари биттадан координатада учраган. Зичлиги бўйича эса *C.italicus* тури 50,7 дона/соат миқдорда бўлган ҳолда энг кўп учрайдиган ва водий учун энг хавфли зараркунанда тур эканлиги билан ажралиб туриши қайд қилинди. *Oedaleus*

decorus тури илмий манбалар бўйича тўда ҳосил қилмайдиган лекин зараркунанда сифатида қайд қилинган.

2-жадвал

Фарғона водийси қишлоқ хўжалик экинлари билан боғлиқ ландшафтларда чигирткалар тарқалишини экологик мониторинги

№	Тур номи	Агроценозлар								Адир		Чўл		Тоғ олди		Умумий/ўртача микдор	
		Ғўза		Ғалла		Боғ		Турли экин									
		1	2	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2
1	<i>C. italicus italicus</i>	2	33,5	2	90,0	2	60,5	1	62,0	2	60,0	1	13	3	36,0	13	50,7
2	<i>D. maroccanus</i>	1	14,0	1	18,0	1	6,0	1	7,0	-	-	-	-	-	-	4	11,3
3	<i>L. migratoria</i>	2	6,0	-	-	1	12,0	2	10,4	1	19,0	1	5,9	-	-	7	10,5
4	<i>C. barbarus cephalotes</i>	2	38,5	-	-	1	87,0	3	43,5	1	15,0	2	3,5	2	42,0	11	38,3
5	<i>C. turanicus</i>	1	11,0	3	15,5	2	6,5	1	26,0	1	9,0	-	-	-	-	8	13,6
6	<i>A. thalassinus thalassinus</i>	1	34,0	-	-	1	16,0	3	27,5	1	16,5	-	-	1	15,0	7	21,8
7	<i>A. insibiricus</i>	1	6,0	-	-	-	-	4	25,0	1	8,0	3	7,0	-	-	9	11,5
8	<i>H. adspersa</i>	1	26,0	1	33,0	1	11,9	1	32,0	1	8,0	1	4,0	1	8,0	7	17,6
9	<i>P. bispinosa deserti</i>	2	14,0	2	12,0	3	10,7	7	16,2	1	11,0	2	7,5	2	19,0	19	12,9
10	<i>O. decorus</i>	-	-	-	-	1	42	-	-	-	-	-	-	-	-	1	42,0
	Умумий/ўртача микдор	13	20,3	9	33,7	13	28,1	23	27,7	9	18,3	10	6,7	9	24	86	22,7

Изоҳ: 1 - учраган координаталар сони, 2 - зичлиги, инд/соат., - маълумот йўқ.

Фарғона водийси шароитида бу тур фақат битта тажриба майдонида аниқланган, лекин унинг зичлиги анча баланд 42,0 дона/соат, эканлиги қайд қилинди. Зичлиги юқори бўлган чўл чигирткаси (38,3 дона/соат) ҳам водий вилоятлари қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаси қаторига киритилишининг яна бир исботи сифатида қайд қилинди. *A. thalassinus thalassinus* тури ҳам водий шароитида, айниқса ғўза ва бошқа экин турлари майдонларида кенг тарқалганлиги ва унинг зичлиги (21,8 дона/соат) ҳам бошқа чигирткаларга нисбатан юқори бўлиши билан ажралиб туради. Осиё чигирткаси (*L. migratoria*)нинг Фарғона водийсида ривожланиши учун қулай стациялар майдони кам бўлишига қарамадан, унинг 7 стацияда учраганлиги ва зичлиги 10,5 дона/соат бўлиши ҳам бу турнинг экинзорларда тарқалиши, унинг ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда ривожланиш имкониятларининг анча барқарор бўлганлиги исботланди. Шунингдек, тадқиқот натижаларида марокаш чигирткаси (*D. maroccanus*) нинг имаго ҳолдаги зичлиги 10,5 дона/соат эканлиги қайд қилинди. Бу тур учун қулай стациялар мавжуд эканлиги ва шу сабабли унинг доимо қишлоқ хўжалиги экинларига хавф келтириб туришидан далолат беради.

H. adspersa тури учрайдиган координаталар сони 7 ва зичлиги 17,6 дона/соат бўлишига қарамай, бу турнинг экинларга зарар келтириши адабиётларда келтирилмаган, унинг зичлиги локал, яъни ўчоқлар шаклида юқори кўрсаткичга эга.

Бобнинг учинчи “Фарғона водийси шароитида чигирткаларнинг зарар келтириш мезонларини баҳолаш” бўлимида Фарғона водийси агроценозлари доминант чигиртка турларининг популяциявий тавсифи натижалари ва ҳудуд қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги, агроландшафтларда зарарли, тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар миқдорининг иқтисодий зарар келтириш мезони даражасида кўпайиш эҳтимоли анча кам эканлиги, чигирткалар хавфи манбаи эса табиий ландшафтларда тарқалган тўда ҳосил қилувчи турлар бўлиши мумкин эканлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг “**Фарғона водийси зарарли чигирткаларининг биологик ва экологик хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда Фарғона водийси вилоятлари қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказувчи турларнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Бобнинг биринчи бўлимида тўда ҳосил қилувчи марокаш, иккинчи бўлимида воҳа, учинчи бўлимида осие ва тўртинчи бўлимида тўда ҳосил қилмайдиган чўл, турон ва аилопус чигирткаларининг ривожланиш муддатлари, зичлиги, тарқалиш ўчоқлари тўғрисида маълумот берилган. Уларнинг фенологияси ишлаб чиқилган.

Марокаш чигирткаси (*D. maroccanus*). Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти шароитида марокаш чигирткаси личинкалари апрель ойининг биринчи ўн кунлигида тухумдан чиқа бошлайди. Личинкалик даври май ойининг ўрталаригача давом этади. Чигиртка етук зотлари апрель ойининг охирида пайдо бўла бошласа, улар май ойини иккинчи ўн кунлиги бошларида ялпи равишда етук ҳашарот шаклига ўтади ва июль ойининг биринчи ўн кунлигигача учрайди. Жумладан, 2018 йил июль ойининг 7 санасида Наманган вилояти Поп туманида 43 дона/соат, Андижон вилояти Хўжаобод туманида 10 дона/соат, Балиқчи тумани ҳудудида 6 дона/соат миқдорда бўлганлиги кузатилди. Бу даврда унинг миқдори қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтириш даражасида бўлмаган. Фарғона водийсининг учала вилояти ҳудудида 7 та табиий ривожланиш ўчоқлари мавжудлиги аниқланди.

Воҳа чигирткаси (*C. italicus italicus*). Қува, Фарғона, Балиқчи, Хўжаобод, Поп туманлари ҳудудида воҳа чигирткасининг ривожланиш ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. Личинкалари май ойининг бошларида тухумдан чиқа бошлайди, ривожланиши 40-45 кун давомида якунланади, имаголар июнь ойининг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлайди. Хўжаобод туманининг қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлган ҳудудларида, яъни ҳосили йиғиб олинган ғаллазорда, июль ойининг биринчи ўн кунлигида воҳа чигирткасини етук зотларининг зичлиги 90 дона/соатни ташкил қилди. Поп тумани адирларида 2017 йил 7-8 июль кунлари унинг зичлиги 35 дона/соат, агроценозда (мош даласида) эса 62 дона/соат, Фарғона тумани олма боғларида 90 дона/соат, Қува туманида эса 33 дона/соат эканлиги аниқланди. Аксинча, Учқўприк, Тошлоқ, Олтиариқ, Олтинкўл, Андижон, Чуст, Чортоқ туманларининг ўрганилган ҳудудларида воҳа чигирткаси кам тарқалганлиги қайд қилинган.

Осие чигирткаси (*L. migratoria*). Фарғона водийси вилоятлари ҳудудида ҳам осие чигирткасини ривожланиш майдонлари мавжуд эканлиги аниқланди. Поп тумани, Ёзёвон тумани ҳудудларида осие чигирткасининг тарқалганлиги

ва имаголар миқдори 3-9 дона/соат миқдоргача учраши кузатилди. Фарғона водийси шароитида унинг ялпи ривожланиши учун муҳит мавжуд эмас. Шунга қарамадан, осие чигирткасининг якка ҳолда ривожланиш босқичида дала экинларида тарқалганлиги, бу турга нисбатан назорат ишларини сусайтирмасликни тақозо қилади.

Чўл чигирткаси (*C. barbarus cephalotes*). Фарғона водийси шароитида тарқалиш майдонлари катталиги ва зичлигининг юқори бўлиши билан бу турни тўда ҳосил қиладиган чигирткаларга тенглаштириш мумкин. Личинкалари апрель ойининг иккинчи ярми ва учинчи ўн кунлигида тухумдан чиқа бошлайди. Улар июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларигача табиатда учраши мумкин. Фарғона тумани ҳудудида июль ойининг 7 санасида олма боғларида аниқланди. Имаголари водий шароитида сентябрь, октябрь ойларида ҳам табиий шароитда учрайди. Улар асосан июль ойида тухум қўяди. Хўжаобод туманининг Қирғизистон билан чегара ҳудудларида ривожланиш ўчоқлари мавжуд бўлиб, унинг бу майдондаги зичлиги 2018 йил июль - сентябрь ойларида 28-56 дона/соат бўлган. Поп тумани адир ландшафтларида, тоғ олди майдонларида табиий ривожланиш ўчоқлари бўлиб, бу ўчоқларда унинг зичлиги 56-79 дона/соат миқдоргача бўлиши кузатилган. Қува, Олтиариқ, Фарғона, Тошлоқ туманлари ҳудудларида бу турнинг кенг тарқалганлиги ва унинг имаголари зичлиги 29-53 дона/соат миқдорда бўлиб, баъзи ҳолларда жумладан, Қува туманида унинг миқдори 87 дона/соат бўлганлиги кузатилди.

Турон чигирткаси (*C. turanicus*). Бу тур Поп, Косонсой, Хўжаобод, Мархамат, Олтиариқ, Қува туманларида тарқалган. Фарғона водийси шароитида апрель ойининг биринчи ярмида турон чигирткалари табиатда учрайди. Адир ҳудудларда бу турнинг 2-3 ёш личинкалари апрель ойининг 16 санасида аниқланган. Имаголари октябрь ойининг иккинчи ярмигача фаол ривожланади.


Ўрганилган тажриба майдонларининг 35% ҳудудида тарқалган бўлиб, тарқалиш кўрсаткичларига асосан бу авлодга мансуб бўлган бошқа турларга нисбатан камроқ учрайди, зичлиги ҳам камроқ эканлиги аниқланди. Жумладан, Хўжаобод туманида ўрганилган ҳудудларда зичлиги 6-15 дона/соат, Поп тумани ҳудудида эса 16-26 дона/соат миқдорда бўлган. Воҳа ва чўл чигирткаларининг зичлиги эса, мос равишда, ўртача 62-90 дона/соат ва 38-52 дона/соат миқдорда бўлган. Бу тур Фарғона водийси ҳудудида кенг тарқалган чигиртка турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Аилопус чигирткаси: (*A. thalassinus thalassinus*). *Aiolopus* авлоди вакиллари дунё бўйлаб кенг тарқалган ва Покистонда бу кенжа тур зараркунанда сифатида қайд қилинган (Soomro et al., 2015). Туркменистонда йилига икки авлод бериб ривожланади. Аилопус чигирткаси Ўзбекистонда ҳам учрайди, лекин зараркунанда сифатида қайд қилинмаган. Фарғона водийси вилоятлари ҳудудида анча юқори миқдорда учраганлиги аниқланди. Хўжаобод, Мархамат туманларининг тоғ этакларида, агроценозларда 8-16 дона/соат., Поп ва Чортоқ туманларида 3-5 дона/соат, айрим ҳолларда 15-16 дона/соат, Қува, Олтиариқ, Тошлоқ туманларида унинг имаголари зичлиги 18-39 дона/соат миқдорда учраганлиги қайд қилинди.


Сана	Март			Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь		
	Турлар	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3		
1	E	E	E	L1	L2	L4	L4	L5	I	I	I	I	I	I										
